

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ПАРПИЕВ ДОНИЁР ХАБИБУЛЛАЕВИЧ

**ИПНИ ПИШИТИШГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ
ПИШИТИЛГАН ИП СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ**

**05.06.02- Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Парпиев Дониёр Хабибуллаевич

Ипни пиштишга тайёрлаш технологиясининг пишитилган ип сифат
кўрсаткичларига таъсири..... 3

Парпиев Дониер Хабибуллаевич

Влияние технологии подготовки к кручению на качественные свойства
крученой пряжи..... 23

Parpiyev Doniyor

Influence of preparation technology for twisting for quality characteristics of
yarn..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 49

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ПАРПИЕВ ДОНИЁР ХАБИБУЛЛАЕВИЧ

**ИПНИ ПИШИТИШГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ
ПИШИТИЛГАН ИП СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ**

**05.06.02- Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Т1345 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.nammti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мелибоев Умаржон Хайдарович
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Холиқов Қурбанали Мадаминович
техника фанлари доктори, профессор

Матисмаилов Сайпила Лолашбаевич
техника фанлари номзоди, доцент.

Етақчи ташкилот:

Андижон машинасозлик институти

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «19» июнь соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7, тел.: (+99869)228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: nei_nfo@edi.uz, Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (394-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7 уй, тел.: (+99869) 228-76-68. факс: (+99869) 228 76-68.

Диссертация автореферати 2021 йил «04» июнь куни тарқатилди.
(2021 йил «04» июндаги № 32-рақамли реестр баённомаси).



Р. М.Муродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Х.Т.Бобожанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., доцент

К.М.Холиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сифатли пишитилган ип ишлаб чиқариш орқали тўқимачилик маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш, тўқимачилик хомашёсини ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш ҳисобига маҳсулот истеъмол хусусиятларини янада яхшилаш ҳамда сифатли тўқима маҳсулотларини олишда энергия-ресурстежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида тўқимачилик ва енгил саноат соҳасида ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш мақсадида ипларни йигириш жараёнида маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф қилиш усуллари ва воситаларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан ипни пишитишга тайёрлаш ва сифатли пишитилган ип олиш харажатларини камайтирувчи, ресурстежамкор, автоматлашган технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда йигирилган ипларни пишитишнинг такомиллашган технологиялари ва уларни амалга оширадиган қурилмаларни ишлаб чиқиш, мавжуд технологияларнинг илмий асосларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир этадиган омилларни аниқлаш, машина ва ускуналар технологик имкониятларини чуқур тадқиқ этган ҳолда технологик параметрларни асослашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, йигирилган ипларнинг сифат кўрсаткичларини тубдан ўзгартириш, рақобатбардош кўрсаткичларга эга бўлган ип ишлаб чиқариш, ипларни пишитиш кўрсаткичларини яхшилаш ҳамда тўқима матосини сифатини ошириш бўйича мақсадли илмий изланишларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда тўқимачилик материалларини ишлаб чиқаришда ипларни пишитиш ва мато тўқиш жараёнларини мукамаллаштириш, маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш имконини берадиган илғор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, маҳаллий хомашёлардан фойдаланиб рақобатбардош ва сифатли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, пишитилган иплар тайёрлаш замонавий техника, технологияларини ривожлантириш ва улардан тўқима матосини олиш усулларини такомиллаштириш, кластер модели асосида тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>

сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини кўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника-технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пишитилган ипларни ишлаб чиқариш ва уларнинг сифат кўрсаткичларини тадқиқ этиш ҳамда янги ассортиментдаги ип маҳсулотларини тайёрлаш билан ҳорижда Я.Бернулли (Швейцария), Л.Эйлер (Швейцария), Ш.Кулон (Франция), Ж.Лагранж (Франция), Сен-Венан (Франция), Г.Кирхгоф (Германия), А.Клебш (Германия), И.И.Мигушов (Россия), Е.Д.Ефремов (Россия), В.С.Живов (Беларусия)лар шуғулланишган.

Республикада пишитилган ипларни олиш технологияси ва шу жумладан ип йиғириш техника технологиясини ва машиналарнинг параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар М.М.Мухамедов, Х.А.Алимова, М.З.Абдукаримова, Т.М.Мавлянов, Қ. Джуманиязов, Р.З.Бурнашев, Ю.Эргашев, М.М. Шукуров, Р.А. Мусаханов, Н.К., А.Пирматов, М.Холияров, Х.Х.Ибрагимов, Х.Т.Бобожонов, З.Э.Эркинов, Ш.Р.Файзуллаев, С.Л.Матисмоилов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Соҳага оид тадқиқотлар тахлили шуни кўрсатадики, тўқимачилик иплари ассортиментини кенгайтириш, икки ва ундан ортиқ бўлган якка ипларни қайта ўраш машиналарида бир хил тарангликда кўшиш, нуқсонларни ҳосил бўлиш сабаблари билан боғлиқ бўлган комплекс илмий тадқиқотлар ҳозирги кунда амалий ёки назарий жиҳатдан етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ИТД-3-66 «Кўп таркибли пишитилган иплар тайёрлаш технологиясини яратиш» (2012-2014) ва № ЁА3-ФҚ-0-24231 «Янги ассортиментдаги мураккаб структурали пишитилган иплардан вафелли ва момиқ сочиқ тўқима матосини олиш» (2014-2015) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ипни пишитишга тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш асосида пишитилган ип сифатини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ипни пишитишга тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришга қаратилган ишланмаларни тадқиқ қилиш асосида ип таранглигини мақбуллаштириш масаласини ҳал этиш;

олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижалари таҳлили асосида бир хил тарангликда якка ипларни қўшиб ўраш қурилмасини яратиш;

яратилган тарангловчи мосламанинг конструктив ва технологик параметрлари мақбул қийматларини аниқлаш;

қўшиб ўраш машинасида якка иплар таранглигини назарий ва амалий жиҳатдан асослаш;

таклиф этилаётган тарангловчи мосламани қўллаб ишлаб чиқарилган пишитилган ипларнинг физик-механик хоссаларини тадқиқ этиш;

пишитилган ипга берилган бурамлар сони билан уларнинг бикрлигини хосса кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

янги конструкциядаги тарангловчи қурилмани турли ассортиментдаги пишитилган ипларни ишлаб чиқариш ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахта толали якка иплар, пишитилган иплар, қўшиб ўраш ва пишитиш машинаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети якка ип, якка ипларни қўшиб ўраш, пишитилган ип тайёрлаш техника ва технологиясидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари тадқиқотларда тўқимачилик материалларини синаш, назарий механиканинг ип таранглигига таъсир этувчи кучларни таҳлил қилиш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ҳамда якка ва пишитилган иплар сифатини баҳолашда ипларнинг мустаҳкамлиги ва нотекислигини баҳолаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сифатли пишитилган ип олиш учун қўшиб ўраш жараёнида ипларнинг бир хил таранглигини назорат қилувчи қурилма ишлаб чиқилган;

пишитилган ип сифатини оширишда самарали таъсир кўрсатувчи юқори пишиқлик ва паст нотекислик кўрсаткичини таъминлаб берувчи параметрлар асосланган;

қўшиб ўраш жараёнида ўрамдан чуваб олинаётган якка иплар ҳаракатининг ўзгарувчанлиги ва ипнинг стационар иш режимидаги таранглигини ўзгариб туришини ҳисобга олган ҳолда ўралаётган ипнинг таранглигини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

пишитилган ипга берилган бурамлар сони билан унинг бикрлик кўрсаткичлари орасидаги боғлиқлигига асосланган ҳолда пишитилган ипнинг рационал бурамлар сонига мос келадиган бикрлик кўрсаткичи аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қўшиб ўраш жараёнида ипларнинг нотекислигини камайтириш, ишқаланишга чидамлилигини ошириш, пишиқлиги ва эгилувчанлигини яхшилаш мақсадида бир хил тарангликда ип олиш учун тарангликни назорат қилувчи қурилмаси ишлаб чиқаришга тавсия этилган;

махрли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўшиб ўраш жараёни жуда муҳим эканлигини эътиборга олиб пишитилган ип таркибидаги якка ипларни узунлик бўйича фарқининг ип сифатига таъсири тадқиқ этилган;

талаб этилган сифат натижасига эришиш учун қўшиш жараёнида ипларни таранглигига эътибор қаратиш муҳим ва тарангловчи қурилмаларда ип таранглигини бир хилда ушлаб туриш учун 8,5 гр дан 14,3 гр оралиғида бўлган юк остида тарангликни таъминлаш кераклиги аниқланган;

тарангликнинг оптимал қийматини аниқлаш машинани тегишли чизикли зичликдаги якка иплар учун шайлаш параметрларини топишда ушбу боғлиқлик асос қилиб олинса мақсадга мувофиқ бўлишлиги аниқланган;

тадқиқотлардан келиб чиқиб тукли танда учун $T_{ип}=25 \times 2$ текс чизикли зичликдаги ипларнинг бурамлар сонини 285 бурам/метр, ҳамда замин танда учун $T_{ип}=29,4 \times 2$ текс чизикли зичликдаги ипларнинг бурамлар сонини 496 бурам/метр олиш мақсадга мувофиқ деб топилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Натижаларнинг ишончилиги тадқиқ қилинган муаммо ушбу соҳадаги маълум назарий, экспериментал тадқиқотларнинг натижаларига мослигини, изланишлар замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда асосли танланганлиги, ўтказилган апробациялар ва ишлаб чиқаришга жорий этилган натижаларнинг ижобийлиги, уларнинг ўрганилган фан соҳасидаги маълумотлар билан қиёсий таҳлил қилиб асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти якка ипларни қўшиб ўраш ва қўшилган ип таранглигини назорат қилувчи қурилма яратилганлиги, унинг эксплуатацион кўрсаткичларини математик моделлар ёрдамида мақбуллаштирилганлиги, якка иплар таранглигини назорат қилувчи янги қурилмасида тарангликни таъминлаш орқали пишитилган ипда бурамлар бир текис тақсимланишига эришилгани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти якка ипларни таранглигини назорат қилиш орқали қурилмада таранглик кучини бир хил таъминлаш орқали бурамларни бир текис тақсимланиши ва ҳалқали (махр) ўрилишнинг тукли ва замин тандаси учун пишитилган ипга кам бурам бериб мақбуллаштириш орқали махрли сочиқ тўқилишига эришилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тўқимачилик ипини пишитишга тайёрлаш технологиясини пишитилган ип сифат кўрсаткичларига таъсирини тадқиқот қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

ипларни таранглигини назорат қилувчи қурилма Наманган шаҳридаги «Art soft Cluster Holding» МЧЖда жорий этилган («O'zto'qimachilik sanoat» уюшмасининг 2020 йил 20 ноябрдаги № 04/18-2735 сонли маълумотномаси). Натижада пишитилган ип ассортиментининг сифат кўрсаткичини 10-12 % га яхшиланишига, бир босқичда кўп қаватли иплар ишлаб чиқариш орқали технологик жараёнларни 1,5 баробар, чиқинди чиқишини 4,5% камайишига эришилган;

тарангликни назорат қилувчи қурилма Косонсой туманидаги «Komil Yashin» МЧЖ да жорий этилган («O'zto'qimachilik sanoat» уюшмасининг 2020

йил 20 ноябрдаги №04/18-2735 сонли маълумотномаси). Натижада, пишитилган ип ишлаб чиқариш машиналари ва пишитилган иплардан олинган маҳсулотларни маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турини кўпайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Пишитишга тайёрлаш техника ва технологияси ривожланишининг асосий жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида асосан тўқимачилик технологиясига оид журналлар, мақолалар, илмий тўпламлар, монографиялар, диссертациялар, илмий ва ўқув адабиётларидан фойдаланилди. Диссертация мавзусига алоқадор илмий тадқиқот ишлари таҳлил этилди. Шунингдек, соҳага оид интернет маълумотлари ҳам ўрганилди.

Маҳрли тукли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда пишитилган ипларнинг бурам миқдори ипдаги қалин, ингичка ва ўта ингичка жойлари муҳим хосса кўрсаткичларини характерловчи омил бўлганлиги сабабли пишитиш, тандалаш ва тўқиш жараёнларида жуда катта қийинчиликларга олиб келади. Ушбу нуқсонларни бартараф этишнинг ягона ва энг мақбули бу қўшиш жараёнидир.

Ипларни пишитишдан асосий мақсад, ип маҳсулотларининг белгиланган хоссаларига эгаллигини, жилодор ташқи кўринишини ва маълум барқарор тузилишига эга бўлишни таъминлашдир. Ипларни пишитишнинг моҳияти, бир неча ипларни қўшиб барқарор тузилишга ва хоссаларга эга бўлган ип яратишдир.

Сўнги йилларда бутунлай янги усулга асосланган пишитиш машиналарининг турли конструкциялари яратилди. Машинаниннг афзаллиги уларда бир марта айланганда ипга иккита бурам берувчи урчукнинг қўлланилишидадир. Бир нечта фирмалар шундай машиналарнинг турли



1-ўрамадан чуваланаётган,
2-ипўткич, 3-4 ип
тарангловчи мослама
(маятникли), 5-ип
йўналтиргич, 6- цилиндрик
бобина.

**1-расм. Қўшиб ўраш
машинасида ипларга
таъсир этувчи кучлар.**

русумларини яратдилар: буларга Savio, Fadis (Италия), Dong Xing, Rifa RF231C (Хитой), Швецария SSM (Scharer Schweiler Mettler AG (SSM) компаниясини TW2-D DIGICJNE preciflex™ маркали), Milhan makine KTLM1 (Туркия) кирадилар.

Ҳозирги пайтда тўқимачилик машиналарини яратиш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири, технологик жиҳозлар параметрларини оптималлаштириш ёрдамида уларнинг сифат кўрсаткичлари билан бир қаторда унумдорлигини оширишдир. Лекин бу вазифаларни амалга оширишда олинаётган ипда юз берадиган сифат кўрсаткичларидаги ўзгаришларни чуқур таҳлил қилиш, унинг механик хоссаларини билиш зарур бўлади.

Диссертациянинг “Қўшиб ўраш жараёнида жуфтланган иплар таранглик кучини назарий тадқиқи” деб номланган иккинчи бобида пишитилган ип ишлаб чиқаришда қўшиб ўраш жараёнининг моҳияти адабиётлар таҳлилида мукамал кўриб чиқилиб, бу жараён натижасида пишитилган ипни ташкил этувчи яқка ипларни таранглиги, чизиқли зичлиги, пишиқлиги бўйича тенглаштиришга ва улар сиртини тозалигига эришиш кўрсатилган эди.


Бошқа омилларга қараганда ипни пишитишга тайёрлаш жараёнида яқка ва жуфтланган ипларнинг таранглигининг мақбул қийматини таъминлаш ва унинг дисперсиясини минималлигига эришиш асосий вазифа ҳисобланади.

Назарий тадқиқотлар кўрсатишича ип таранглигини тўғри аниқланиши пишитилган ип сифатига бевосита катта таъсир кўрсатиши билан бирга, технологик жиҳознинг иш унумдорлигини белгиловчи кўрсаткичга айланиши мумкин. Ипларни қўшиб ўраш жараёнида машинанинг пастки қисмига ўрнатилган бобиналардан чуваланаётган ип тарангловчи мослама орқали тортиб олинаётган икки ёки ундан кўпроқ яқка ипларни қўшилган ҳолатда ип йўналтиргичнинг горизонтал-қайтар ҳаракати натижасида қоғоз патронларга ўралиб цилиндрик бобина ҳосил қилинади (1-расм). Ишнинг ушбу бобида қўшиб ўраш машинасининг юқорида кўрсатиб ўтилган, ип кинематикаси нуқтаи назаридан ўзига хос қисмларида ип таранглиги назарий таҳлили келтирилади.

Ўтган бобда келтирилганидек, яқка ипларни пишитишга тайёрлаш жараёнининг асосий, яъни пишитилган ип сифат кўрсаткичларини шаклланиши юз берадиган босқич бу яқка ипларни жуфтлаб қўшиш жараёни ҳисобланади. Яқка ипларни ёнма-ён жуфтлаб қўшишда асосий талаблардан бири жуфтланаётган ипларни таранглиги бўйича ($P_1 = P_2 = const$) бир хиллигига эришиш масаласидир.

Қўшиб ўраш машинасида жуфтланаётган иплар таранглигини назарий таҳлил қилиш мақсадида қуйида келтирилган ҳисоб схемасини тузамиз:

-ишдаги таранглик кучи марказдан қочма ва ишқаланиш кучлари ҳисобига ҳосил бўлади деб ҳисоблаймиз. Бунда ҳаракатланаётган ип шакли балонни бобина тўлалигида ва ип бобина марказий ўқидан чапда шайланганида $abcdei$, ўнгга шайланганида $fg hdei$ синиқ чизик билан алмаштирамиз (2-расм).



2-расм. Жуфтланаётган иплар таранглигини назарий таҳлил қилиш ҳисоб схемаси.

Иккинчи бобина тугашида мос равишда ип чапда шайланганида $pqsnei$ ўнгга шайланганида $k b mnei$ синиқ чизик билан алмаштирамиз. Синиқ чизикларни ҳар бир тўғри чизикли кесмасининг массаси m унинг геометрик марказида мужассамланган ва бу марказ билан бобина ўқининг орасидаги масофа R га тенг деб ҳисоблаймиз. Бунда ҳар бир кесмага амал қиладиган марказдан қочма куч

$$F_m = m\omega^2 R \quad (1)$$

ифода билан аниқланади. Ушбу марказдан қочма кучлар қўшилаётган ипнинг bc, gh, qs ва lm қисмини ип ажраткич юзасига босади ва натижада ип ҳаракатига қаршилик кўрсатувчи куйидаги тенглама билан аниқланадиган ишқаланиш кучлари ҳосил бўлади.

$$F_u = \mu F_m \quad (2)$$

бунда μ - ип билан ип оғирлигининг юзаси орасидаги ишқаланиш коэффиценти.

Юқорида келтирилган (1) ифодадаги синиқ чизикларнинг ҳар бир тўғри чизикли кесмасининг массаси m ни қуйидагича аниқланади:

$$Z\text{-тегишли кесма узунлиги, } T\text{-ипнинг чизикли зичлиги } m = Z/T; \quad (3)$$

$$\omega = v \cos \sigma / \pi d_j \quad (4)$$

v - ипнинг чувалиш тезлиги; d_j - бобинанинг жорий диаметри; σ - бабина ўрамларининг кесишув бурчаги.

Кесимлардаги қўшилаётган ипларнинг тарангликларини топамиз:

ab ва fg кесмаларда марказдан қочма кучлар амал қилади

$$F_{mab} \approx F_{mfg} \approx m_{ab} \omega^2 R_{ab} \quad (5)$$

$$bc \text{ ва } gh \text{ кесмаларда ишқаланиш куч } F_{ubc} \approx F_{ufg} \approx \mu F_{mbc} \approx \mu F_{mfg} \quad (6)$$

Юқорида келтирилгани каби, ип амалий механикасида таҳлилларни соддалаштириш мақсадида ип фақат чўзилишга бардошли деб шартли равишда қабул қилганимиз учун бу кесмалардаги марказдан қочма ва ишқаланиш кучлари йиғиндиси таранглик кучини ташкил этади:

$$F_{ybc} = F_{mab} + F_{ubc} \quad (7)$$

$$cd \text{ ва } hd \text{ кесмалар марказдан қочма куч } F_{mcd} \approx F_{mhd} \approx m_{cd} \omega^2 R_{cd} \quad (8)$$

$$\text{Таранглик кучи: } F_{ycd} = F_{mcd} + F_{mab} + F_{ubc} \quad (9)$$

de кесма учун кучлар қуйидагича аниқланади:

Ип бобина ўқидан чапда бўлганида ип d ҳалқанинг ички юзасига қамрамай тегиб ўтади ва ишқаланиш кучи вужудга келмайди.

$$\text{Таранглик кучи (чап томонда)} \quad F_{yde} = F_{mab} + F_{ubc} + F_{mcd} \quad (10)$$

Ип бобина ўқидан ўнгда бўлганида ип d ҳалқанинг ички юзасини $\beta \approx \pi/2$ бурчак остида қамраб ўтади, натижа de кесмада қўшимча ишқаланиш кучи вужудга келади ва у $F_{\text{эде}} = F_y h d e^{v\beta}$ тарзда аниқланади. Бу ерда v -ип билан d ҳалқа юзаси орасидаги ишқаланиш коэффициентини. Энди таранглик кучи (ўнг томонда)

$$F_{yde}^1 = F_{mfd} + F_{ugh} + F_{mhd} + F_{yhd} e^{v\beta} \quad (11)$$

de кесмадаги максимал ва минимал тарангликларининг нисбати

$$H_1 = \frac{F_{mfg} + F_{ugh} + F_{mhd} + F_{yhd} e^{v\beta}}{F_{mab} + F_{ubc} + F_{mcd}} = \frac{F_{yde}^1}{F_{yde}} \quad (12)$$

Иккинчи бобинадан чуваладиган ипнинг таранглиги шунга ўхшаш тарзда ўзгаради. Шундай қилиб чувалаётган ип баллони ҳар сафар чапда шайланганида de кесмада таранглик минимал, ўнгда шайланганида максимал бўлади.

$H_1 - de$ кесмада ип таранглигининг пулсация коэффициенти. $-ei$ кесма e ҳалқа диаметри кичик бўлгани учун марказдан қочма кучларни ҳисобга олмаслик мумкин. Un e ҳалқани $\gamma \approx \frac{\pi}{3}$ бурчак остида қамраб ўтади. Бунда ei кесмада қўшимча ишқаланиш кучи ҳосил бўлади ва у

$$F_{\text{эеи}} = F_{yde} e^{v\gamma} \quad (13)$$

бу ерда γ -ип билан e ҳалқа юзаси орасидаги ишқаланиш коэффициенти.

ei кесмадаги таранглик кучи баллон бабина ўқига нисбатан жойлашувига қараб аниқланади.

Баллон бобина ўқидан чапда ётганида таранглик қуйидагича аниқланади.

$$F_{yei} = F_{mab} + F_{ubc} + F_{msd} + F_{de} e^{v\beta} \quad (F_{de} = F_{mcd}) \quad (14)$$

Баллон бабина ўқига нисбатан ўнгда бўлган вақтда ei кесмадаги таранглик қуйидагича топилади:

$$F_{yei}^1 = F_{mfg} + F_{ugh} + F_{mhd} + F_{yhd} e^{v\beta} + F_{de} e^{v\gamma} \quad (\text{юқори}) \quad (15)$$

Баллон бабина ўқига нисбатан чапда бўлганида ei кесма таранглигининг топилиши.

$$F_{yei} = F_{mab} + F_{ubc} + F_{mcd} + F_{mcd} e^{v\gamma} \quad (\text{минимал}) \quad (16)$$

ei кесмадаги максимал ва минимал тарангликлар нисбати H_2 ;

$$H_2 = \frac{F_{yei}^1}{F_{yei}} = \frac{F_{mfg} + F_{ugh} + F_{mhd} + F_{yhd} e^{v\beta} + F_{de} e^{v\gamma}}{F_{mab} + F_{ubc} + F_{mcd} + F_{mcd} e^{v\gamma}} \quad (17)$$

$H_2 - ei$ кесмада ип таранглигининг пулсация коэффициенти.

Пулсация частотаси баллоннинг айланиш частотасига тенг бўлиб қуйидагича аниқланади:

$$\omega = v \cos \sigma / \pi d_{ue} \quad (18)$$

V – ипнинг чувалиш тезлиги м/с, d_{ue} – бабинанинг жорий диаметри м, σ – бабинада ип ўрамларининг кесишув бурчаги, рад.

Амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижасида юқоридаги олинган формулалар ёрдамида, ўрта чизиқли зичликдаги ипларни, қўшиб ўраш машинасининг стационар ишчи тезликларида ($v = 800\text{м/с}$) ҳамда, бабинанинг минимал ва максимал ўраш диаметрларларида, ташкил этувчи иплар таранглиги 55-65 сН атрофида эканлигини кўриш мумкин. Энг асосийси пулсация коэффицентининг 1,13-1,21 ораликда бўлиши, якка иплар таранглиги дисперсиясини етарли даражада кичик ва ип таранглиги ўртача қиймати билан ип пишиқлиги ўртасида талаб даражасидаги мустақамлик захираси мавжудлиги аниқланди.

Юқорида келтирилган (1-расм) ипга таъсир этувчи кучлар схемасидан тарангловчи мосламадан ўровчи мослама ип йўналтиргичига ораликдаги ипнинг жорий узунлигини қуйидагича аниқлаймиз: $AO = l_1 \sqrt{1 + tg^2 \alpha}$

бунда: l_1 - тарангловчи мосламадан ип йўналтиргичнинг ҳаракатланиш йўлигача бўлган масофа; α -тарангловчи мосламадан ўровчи мослама ип йўналтиргичига ораликдаги ипнинг жорий қиялик бурчаги.

Ип тахлагич йўналтирувчи мосламаси 5 ва жуфтланган ипларни ўралаётган цилиндрик бобинага қуйидаги кинематик шартлар қўйилади:

$$tg \alpha_o = \frac{V_{\text{таx}}}{(\omega_o r_o)} \quad (19)$$

бу ерда α_o – ипни ғалтакка ўраш бурчаги; ω_o - ғалтак (цилиндрик бобинани) айланиш бурчак тезлиги; r_o - ўраманинг жорий радиуси; $V_{\text{таx}}$ - ипнинг горизонтал йўналишдаги тахлаш тезлиги.

Ипни ғалтакка (бобинага) ўралиш механизми ишлаш принципи. Машинанинг пастки қисмига ўрнатилган бобиналардан чуваланаётган ип тарангловчи мослама (маятникли) 3-4 орқали тортиб олинаётган икки ёки ундан кўпроқ якка ипларни қўшилган ҳолатда ип йўналтиргичнинг горизонтал-қайтар ҳаракати натижасида қоғоз патронларга ўралиб цилиндрик бобина ҳосил қилинади. Тадқиқотлар натижаларидан маълум бўлмоқдаки, вақт давомида ип йўналтиргичдан бобинанинг ўралиш юзасига бўлган жорий масофани ўзгариб туриши, жуфтланган ипларни ғалтакка ўралиш бурчагининг ўзгариб туриши ва бунинг натижасида жуфтланган иплар таранглиги қийматини тебраниб туриши, якка иплар таранглигини таъминлаш учун ишлатиладиган тарангловчи мослама ишидаги тасодифий ёки тизимли ностационарликлар, қўшилаётган якка ипларнинг чизиқли зичлиги тасодифий қонуният асосида ўзгариб туриши каби омиллар пишитилган ип сифатига бевосита катта таъсир кўрсатади. Демак мазкур технологик жараён стационарлигини таъминлашда ва бунинг оқибатида пишитилган ип сифатини оширишда, махсус тарангловчи мосламадаги юкларни тўғри танланиши, якка ва жуфтланган ипларнинг таранглиги, ўраш тезлиги ва цилиндрик ўраманинг асосий ўлчамлари каби қўшиб-ўраш машинасининг асосий технологик параметрларини танлаш ва асослаш амалий жиҳатдан муҳим жараён ҳисобланади. Машинани созлашда

аввало ипларни ғалтакка талаб этилган зичликда ўраш муҳим ҳисобланади. Ўраш зичлигини етарли бўлмаслиги ўрамнинг массасини камайиши билан пишитиш машинаси унумдорлигига таъсир кўрсатади

Чиқарувчи валик билан бобина-ғалтак ўртасидаги ип таранглигини ҳисоблашни назарий тадқиқ этиш орқали, 1-расмдан кўринганидек, якка ип ипўткич 2 да қўшилгандан сўнг, ип тарангловчи мослама (маятникли) 3-4 жуфтликлари орқали маълум ишқаланишда ўтказилиб, ип тахлагич 5 тирқишлари орқали ўраш механизми бобина 6 га узатилади. Ип тарангловчи мослама 3-4 ни тортишиш кучини, ипни валикдан олдин ва кейинги қисмидаги таранглик кучига нисбатан ўзгаришига қараб, ип ва валик орасида сирпаниш рўй бериши мумкин. Бу ўз навбатида ипни ғалтакка нотекис тезлик билан ўралишига олиб келади. Бу ҳолатнинг олдини олиш учун сиқувчи компенсатор валик ўрнатилган. *OA*– участкада (1-расм) ип бўйлама ҳаракат қилади. Бу ораликда ипда узилиш рўй бермайди. Чунки тўлқинли ҳаракатни кинематик эффекти ип бўйлаб чўзилиш деформацияси натижасида абсолют бикр ип эффектини ҳосил қилади. Бу ҳолат ипни илгариланма ҳаракат тезлиги, товушни ип бўйлаб тарқалиш тезлигига тенг бўлганида содир бўлади. Ипни бўйлама хусусий тебраниши частотаси катта қийматга эришади, ҳамда ташқи муҳит таъсир частотасидан ҳам катта бўлади. Шу сабабли ипнинг бўйлама деформациясини аниқлаш квазистатик масала кўринишини олади.

Бу ҳолда тадқиқ этилаётган ораликдаги ипда ҳосил бўлувчи таранглик кучи қуйидаги формула билан аниқланади.

$$P(t) = P_0(t) + Tx \frac{\partial v_0}{\partial t} - \frac{1}{2} \cdot T \cdot \omega_e^2(t) x^2 - \int_0^x F_1(x_1 t) dt \quad (20)$$

бу ерда: $P(t)$ -ипда ҳосил бўлувчи таранглик кучи; $P_0(t)$ - *O* нуқтадаги (1-расм) ипда ҳосил бўлувчи бўйлама таранглик кучи; иккинчи ва учинчи ҳадлар эса бўйлама, айланма ҳаракат натижасида ип масса ҳисобига ҳосил бўлувчи инерция кучлари; $F_1(x_1 t)$ - ташқи куч омилларидан ҳосил бўлувчи куч. Агар масалани бирмунча соддалаштириш мақсадида ташқи таъсир кучларини эътиборга олмасак $F_1(x_1 t) = 0$ бўлади.

Юқорида келтирилган тарангликнинг умумий формуласи (20) дан $P_0 = P_0(t)$ куч *OA*- участкада ипда ҳосил бўлувчи ип таранглик кучи бўлиб, мазкур таранглик кучи шу участкадаги ипнинг нисбий узайиш деформацияси билан аниқланади.

OA-участкадаги ип узунлигини ℓ ва *OA*– участкага кириб келаётган ипнинг нисбий деформациясини- ε_1 , *OA*-оралиқдаги ипни нисбий деформациясини эса ε ва уларга мос тезликларни v_1 ва v_2 деб белгилаймиз.

Ушбу ҳолда *OA* участкадаги ипни нисбий бўйлама деформациясини қуйидаги формула билан аниқлаймиз;

$$\varepsilon = -1 + \frac{v}{v_1} \cdot (1 + \varepsilon_1) [1 + \beta^2 \Phi^2(t)]$$

бунда
$$\varepsilon_1 = \frac{P_4}{A_1} \quad (21)$$

минимал бўйлама деформация:
$$\varepsilon_{\min} = -1 + \frac{\nu}{\nu_1} (1 + \varepsilon_1)$$

нисбий орттирма деформацияси:
$$\Delta\varepsilon = \frac{1}{2} \left(\frac{H}{\ell_1} \right)^2 \left(\frac{\nu}{\nu_1} \right) (1 + \varepsilon_1) \text{ бўлади.}$$

Демак, бўйлама нисбий деформация куйидаги ифодага тенг бўлади;

$$\varepsilon = \varepsilon_{\min} + \Delta\varepsilon\Phi^2(t) \quad (22)$$

бунда H -ип тахлагични ип ўтказувчи кўзчасининг силжиш амплитудаси; $\Phi(t)$ A -звенонинг, яъни ип тахлагич ип ўтказувчи кўзчасининг тебраниш функцияси.

Бу ҳолда ипда ҳосил бўлувчи таранглик кучи куйидаги тенгламалар билан аниқланади:

$$\begin{aligned} P_0(t) &= A_1[\varepsilon_{\min} + \Delta\varepsilon\Phi^2(t)] \\ P(t) &= P_0(t) - \frac{1}{2}T \cdot \omega_e^2 x^2 \end{aligned} \quad (23)$$

Иккинчи тенгламадаги иккинчи ҳадни эътиборга олмасак ҳам бўлади, чунки OA -участкадаги ип ҳаракатида баллон ҳосил бўлмайди. Демак

$$P(t) = P_0(t) = A_1[\varepsilon_{\min} + \Delta\varepsilon\varphi^2(t)] \quad (24)$$




Олинган модел ёрдамида амалга оширилган назарий ҳисоб-китобларни экспериментал тадқиқотлар натижаси билан таққослаш самарали бўлишини инобатга олиб $T_{\text{ип}}=25$ текс чизиқли зичликдаги пахта ипи учун таранглик кучини ҳисобланган.

Куйида келтирилган 3-5- расмлардаги графиклардан ипларни цилиндрик формали бобинага ўраш жараёнида ипларнинг таранглик кучи ва нисбий бўйлама деформациялари гармоник ҳаракат қонунияти бўйича ўзгариши аниқланди. Бу вақт давомида ипнинг таранглик кучининг максимал ва минимал қийматлари мос равишда: якка ип учун $t=0,037$ секундда $P_{\max} = 0,07196cH$ $t=0,0$ секундда эса $P_{\min} = 0,04207cH$ тенг экани маълум бўлди. Машинада жуфтланган иплар учун эса $t=0,037$ секундда $P_{\max} = 0,11654cH$ $t=0,0$ секундда эса $P_{\min} = 0,05726cH$ тенг эканлиги аниқланди.

Якка ва кўшилган ипларнинг минимал ва максимал қийматларини эътиборга, олиб тарангликка таъсир этувчи асосий технологик ёки конструктив параметрларни оптимал қийматларини танлаш имконияти бўлади.

Пишитилган ипларнинг сифат кўрсаткичларини шаклланишида уларнинг механик хоссаларини аҳамияти жуда юқори ҳисобланади. Ушбу ҳолатни инобатга олиб назарий жиҳатдан якка ва жуфтланган ипларда ўраш босқичида ҳосил бўлувчи бўйлама нисбий деформацияни вақт бўйича ўзгариш қонунлари тадқиқ этилди.

Ҳосил қилинган моделлар ёрдамида ўрнатилган боғлиқлик графиклари, якка ва жуфтланган иплар учун 3-расмда кўрсатилган.



1-якка ип учун, 2-жуфтланган иплар учун.

3-расм. Ипга таъсир этувчи бўйлама таранглик кучини вақт бўйича ўзгариши.

4-Расм. Ипда ҳосил бўлувчи бўйлама нисбий деформацияни вақт бўйича ўзгариши қонуни.

5-расм. Ип қўндаланг кесимида ҳосил бўлувчи бўйлама таранглик кучини бобинанинг ўқи бўйлаб ўзгариши.

Амалиётда аксарият ҳолатларда пишитилган ипларнинг сифатини таъминлаш ва жиҳоз иш унумдорлигини мақбул қийматларда бўлишига эришишда қўшиб ўраш машинасида ҳосил қилинаётган цилиндрик калаванинг геометрик ўлчамлари ҳам муҳим бошқариладиган параметр ҳисобланади. Шу билан бирга ўрама геометрик ўлчамларини асослашда якка ҳамда жуфтланган ипларни таранглик ва нисбий деформация қийматларини ҳам эътиборга олиш зарур. Шу боис ўраманинг эни бўйича ипларни таранглик ва нисбий деформация қийматларини ўзгариши ўрганилди. Юқоридаги 4-расмдаги график таҳлилидан кўринадикки, иптаҳлагични бобина сирти бўйлаб ҳаракати давомида таранглик ва нисбий деформация қиймати гармоник қонуният асосида ўзгариб турар экан. Иптаҳлагичнинг максимал амплитудасида таранглик ва деформация максимал қийматга эришса, ўраш бурчаги α_0 минималлашиб иптаҳлагич марказга яқинлашиб бориши билан улар миқдори юқорида таъкидланган қонуният асосида камайиб боради.

Диссертациянинг «**Ипни пиштишга тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар**» деб номланган учинчи бобида Наманган шаҳридаги «Art Soft Holding» МЧЖ корхонасида ўрнатилга SSM TW2-D қўшиб ўраш машинасида ва Saurer CompactTwisting пиштиш машиналарида тайёрланган пишитилган ипларда тадқиқот ишлари олиб борилди. Тажрибалар давомида иккита ассортиментда, яъни тукли танда учун чизиқли зичлиги $T_{ип}=25 \times 2$ текс ва замин танда учун $T_{ип}=29,4 \times 2$ текс пишитилган иплар олиниб, якка ипларни узунлиги бўйича тафовутини аниқлаш, ипни пиштишга тайёрлашда ип таранглигини назорат қилувчи янги қурилмани тадқиқи, қўшиб ўраш жараёнида жуфтланган иплар таранглиги амалий тадқиқи ва пишитилган ипларнинг бикрлигини аниқлаш бўйича амалий тадқиқот ишлари ўтказилди.

Ип қўшиб ўраш жараёнининг зарурлиги шундаки, кейинги жараёнда ипларни пиштиш машинасида бурам берилганда, қўшилаётган ипларни таранглиги бир хил бўлиши керак.


Икки томонлама кўшиб-ўраш машинасининг тарангловчи қисмлари бир хил оғирликка эга бўлган шайбалар билан юкланган ва илмий тадқиқотлар давомида маҳр туки тандаси учун $T_{ип}=25 \times 2$ текс арқок ипи ва тўқув танда асоси учун $T_{ип}=29 \times 2$ текс ҳамда пневмомеханик йигирув машиналаридан олинган иплардан тўқув асоси сифатида $T_{ип}=25 \times 2$ текс ип ишлаб чиқарилган. Тадқиқот натижалари асосида пневмомеханик ва ҳалқали йигирув машиналаридан олинган иплар учун кўшиб ўраш машинасининг таранглик мосламасида шайбаларнинг оптимал оғирлиги танланган.

Намунадаги пишитилган ип таркибидаги якка ипларнинг узунлиги бўйича фарқини фоизларда 500 мм узунликдаги қисқичларда қисиб олинган кесмаларга нисбатан ҳисобланди. Аксарият мутахассислар пишитилган иплардаги якка иплар узунлик бўйича фарқ кўрсаткичлари 2,5% дан ошмаслиги лозим деб ҳисоблайдилар.

Пишитишга тайёрлаш жараёнидаги кўшиб ўраш машинаси тарангловчи қурилмаси бир неча вариантда шайланди. Жумладан, дастлаб юксиз ҳолатда, 8,5 грамм, 14,3 грамм ва 20,1 грамм юк ҳолатида якка иплар кўшиб ўраб олинди, ҳамда кейинги босқичда улардан пишитилган иплар олинди.

Қуйидаги 6-расмда $T_{ип}=29,4 \times 2$ текс чизиқли зичликдаги пишитилган ипларда, оғирлик юкини ҳисобга олган ҳолда, пишитиш бурами сонига кўра якка ипларнинг бир бирига нисбатан узунлик фарқлари келтирилади.

Мазкур тадқиқот натижаларидан шуни хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, талаб этилган сифат натижасига эришиш учун албатта кўшиб ўраш жараёнида ипларни таранглигига эътибор қаратиш муҳим ва тарангловчи қурилмаларда ип таранглигини бир хилда ушлаб туриш учун 8,5 гр дан 14,3 гр оралиғида тарангликни таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.



6-расм. Чизиқли зичлик $T_{ип}=29,4 \times 2$ текс йўғонликдаги пишитилган ипда (бурамлар сони 296 бр/м) оғирлик юки ўзгаргариши остида якка ипларнинг узунлиги фарқи.

6-расмда кўрсатилган гистограммаларни таққослаб натижаларидан шундай хулосага келиш мумкин, якка ипларни кўшиб ўраш жараёнида тарангловчи қурилма юксиз ҳолатда иплар назоратсиз ҳисобланиб ипларнинг таранглиги турлича бўлганлиги учун турли бурамларда пишитилган ипда якка ипларни узунлик бўйича фарқлари катта бўлиб қолмоқда.

Қўшиб ўраш жараёнида жуфтланган иплар таранглигини амалий тадқиқи доирасида якка ипларнинг таранглик кучини амалий жиҳатдан ўрганиш учун таркибига махсус тензодатчик, аналог – рақамли ўзгартиргич (hx711) ва Arduino 2560 платформасидан иборат электр қурилмасидан фойдаландик. Тензодатчиклар тарангловчи мослама ва якка ипларни бирлаштирувчи ип ўтказгич ўртасида горизонтал ўққа нисбатан α бурчак остида ўрнатилди (7-расм).


Тензодатчик - бу деформация орқали электр токи ҳосил бўлишига асосланган ип таранглигини ўлчовчи қурилма ҳисобланади. Ушбу датчик 0,03-0,25 % хатоликда ишлаши ва максимал 1000 ньютонгача бўлган таранглик кучини аниқлаши мумкин. Қурилма ишчи ҳолатда 3-12 вольт кучланишда ишлайди. Номинал чиқиш кучланиши 1-1,5мВ билан -20^0 ва $+ 60^0$ цельсий ташқи ҳароратда ишлаши мумкин.



7-Расм. Тензодатчикни умумий кўриниши ва ўрнатилган нуқтаси.

Мазкур амалий тадқиқотларда тензодатчик ва аналог рақамли ўзгартиргични тизим сифатида Arduino Uno платформасига улаш орқали ипларнинг таранглик кучини аниқладик.

Бунинг учун, тарангликни назорат қилувчи мосламанинг, тарангловчи мосламага бириктирилган юкларни $m_1=8,5$ грамм, $m_2=14,3$ грамм ва $m_3=20,1$ грамм миқдорда қўйиб, ипга қўйилган дастлабки таранглик ўзгартириб борилди. Биринчи вариантда, яъни тарангловчи мосламага 8,5 грамм юк қўйилган ҳолатда $t=10$ сония давомида ҳар 0,2 с ораликда якка ипларнинг таранглик кучи алоҳида датчикларда аниқланди.(8-расм)




8-расм. Тарангловчи мосламага 8,5 грамм юк қўйилганда якка ипларнинг таранглик куч графиги.

Шунингдек, кўшиб ўраш жараёнида тарангловчи қурилмага 8,5 ва 14,3 гр оғирликда юк қўйилганда пишитилган иплардаги якка ипларнинг узунлик бўйича фарқи паст натижаларни қайд этмоқда. Бу ҳолат эса, яхши деб баҳоланади. Ва аксинча, кўшиб ўраш жараёнида тарангловчи қурилмага 20,1 гр оғирлик юки қўйилганида пишитилган ипдаги якка ипларнинг узунлик бўйича фарқланиши барча натижаларда ҳам юқори бўлиб қолмоқда.

Ип кўшиб ўраш жараёнини зарурлиги шундаки, кейинги жараёнда ипларни пишитиш машинасида бурам берилганида, кўшилаётган ипларни таранглиги бир хил бўлиши керак.

Saurer (Volkman) CompactTwister русумидаги кўш бурамли пишитиш машинаси ёрдамида чизиқли зичлиги $T_{ип}=25 \times 2$ текс тенг бўлган пишитилган ип ZS структурали бурам йўналишига эга бўлган ип намуналари олинди. Олинган ип намуналари корхонадаги мавжуд Uster ва Techtextno лаборатория синов жиҳозларида муайян сифат кўрсаткичлари бўйича синовдан ўтказилди.



9-расм. Пневмомеханик усулда йигирилган чизиқли зичлиги $T_{ип}=29,4 \times 2$ текс ва $T_{ип}=25 \times 2$ текс ипларни кўшиш жараёнида оғирлик юки таъсирида нисбий пишиқлиги (Rkm) ни ўзгариши.

9-расмдаги диаграммадан кўришиб турибдики, намунадаги ипга тарангловчи юк оғирлиги 0 дан 28,6 гр гача қўйилганда, яхши натижалар 8,5 гр оғирликда кузатилди. Бундай оғирликда юк қўйилиши натижасида бир хил тарангликка эга қўшилган иплар бир-бирига яхши бурам бериши, бу эса ўз навбатида пишитилган ипнинг асосий хоссалари бўлган нисбий узилиш кучи ва узилишдаги узайиши яхшилангани тадқиқот ишларига тўғри ёндошилганидан далолат беради.

Ва аксинча, таранглик юкини ортиқча бўлиши ҳам яхши эмас, чунки ипларнинг айрим майдонларида чўзилиб қолиш ҳолатлари вужудга келади ва ипнинг нисбий узилиш кучи пасайиши кузатилади. Худди шу ҳолат чизиқли зичлиги $T_{ип}=29,4$ текс ипда ҳам кузатилади.


Пишитилган ипларнинг бикрлигини амалий тадқиқи борасидаги илмий ишларида ипларнинг мустақамлигини ва кўп даврли деформацияларга чидамлигини ошириш учун улар пишитилади. Ипларни пишитиш коэффиценти ошиши билан уларнинг бикрлиги ошади. Ипларнинг бикрлиги майин маҳсулот ишлаб чиқаришда салбий таъсир қилади. Ипларнинг бикрлиги И.С.Павлов томондан ихтиро этилган КМ-20-2М русумли бураш маятнигида

ипларнинг бикрлиги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти “Тўқимачилик материалшунослиги” кафедрасида аниқланди.

Ипнинг бикрлиги қуйидаги формула билан аниқланди:


$$C = \frac{K}{T_{\text{ўр}}^2} \text{ ёки } C = \frac{72}{T_{\text{ўр}}^2} \quad (25)$$

бу ерда: K -коэффициент, КМ-20 асбоби учун $K = 72$ га тенг.



10-расм. $T_{\text{ип}}=25 \times 2$ текс чизикли зичликдаги тукли танда ипнинг 8,5 гр ва 14,3 гр бўлгандаги ипнинг бикрлиги.

10-расмдан пишитилаётган ипларнинг бурамлар сони ошиб бориши билан ипнинг бикрлиги ошиб боришини кўришимиз мумкин. Бикрлик ошиб бориши натижасида бу матонинг асосий сифат белгиларидан бири қаттиқлигини ошиб кетишига олиб келади. Бунинг натижасида эса, махрли сочиқларда тўқима матосининг гигроскопиклик хусусияти ёмонлашади. Юқоридаги тадқиқотлардан келиб чиқиб тукли танда учун $T_{\text{ип}}=25 \times 2$ текс чизикли зичликдаги ипларнинг бурамлар сонини $K=285$ бурам/метр олиш мақсадга мувофиқ деб аниқланди.



11-расм. $T_{\text{ип}}=29,4 \times 2$ текс чизикли зичликдаги замин танда ипнинг 8,5 гр ва 14,3 гр бўлгандаги ипнинг бикрлиги.

11-расмдан пишитилаётган ипларнинг бурамлар сони ошиб бориши билан ипнинг бикрлиги ошиб боришини кўришимиз мумкин. Бикрлик ошиб бориши натижасида бу матонинг асосий сифат белгиларидан бири қаттиқлигини ошиб

кетишига олиб келади. Бунинг натижасида эса, махрли сочиқларда тўқима матосининг гигроскопиклик хусусияти ёмонлашади.

Юқоридаги тадқиқотлардан келиб чиқиб замин танда учун $T_{ип}=29,4 \times 2$ текс чизикли зичликдаги ипларнинг бурамлар сонини 496 бурам/метр олиш мақсадга мувофиқ, деб аниқланди.

ХУЛОСА

Ипни пишитишга тайёрлаш технологиясининг пишитилган ип сифат кўрсаткичларига таъсири бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ипни пишитишга тайёрлаш техника ва технологияларининг асосий камчилиги, пишитишга тайёрланаётган якка ипларни бир хил тарангликда бўлишини таъминлайдиган мосламаларини яратиш бўйича етарлича тавсиялар ва ишланмалар мавжуд эмаслиги аниқланди.

2. Ипни пишитишга тайёрлаш техника ва технологияларининг асосий камчилиги, бир хил тарангликда ип ишлаб чиқариш учун таранглик мосламалари якка иплар қўшилгунга қадар ва қўшилгандан сўнг ўрнатилган бўлиши кераклиги аниқланди.

3. Олинган математик моделлар ёрдамида ораликдаги ип таранглиги қийматини ҳисобга олиб, жиҳоз ишчи органларининг тегишли конструктив қийматларини, технологик параметрларини ва кинематик кўрсаткичларини танлаш имконияти яратилди.

4. Жуфтланган ипларни таранглиги ва нисбий деформациясини оптималлаштириш орқали цилиндрик ўрама зичлигини ва технологик жиҳознинг иш унумдорлигини ошириш мумкинлиги исботланди.

5. Қўшилган ипларни ўраш зонасидаги таранглигини ўзгариш қонуниятини назарий тадқиқи натижасида уларнинг пишиқлиги билан фарқи етарли эканлиги, яъни бу зонадаги ипларни узилиш эҳтимоли жуда камлиги аниқланди.

6. Қўшиб ўраш жараёнида ипларнинг нотекислигини камайтириш, ишқаланишга чидамлилигини ошириш, пишиқлилиги ва эгилувчанлигини яхшилаш мақсадида бир хил тарангликда ип ишлаб чиқариш учун тарангликни назорат қилувчи қурилмаси такомиллаштирилди.

7. Тадқиқот натижаларидан шуни хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, талаб этилган сифат натижасига эришиш учун албатда қўшиш жараёнида ипларни таранглигига эътибор қаратиш муҳим ва тарангловчи қурилмаларда ип таранглигини бир хилда ушлаб туриш учун 8,5 гр дан 14,3 гр оралиғида тарангликни таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

8. Пишителиётган ипларнинг бурамлар сони ошиб бориши билан ипнинг бикрлиги ошиб бориши натижадасида матонинг асосий сифат белгиларидан бири каттиқлигини ошиб кетиши кузатилди. Тадқиқотлардан келиб чиқиб тукли танда учун $T_{ип}=25 \times 2$ текс чизикли зичликдаги ипларнинг бурамлар сонини 285 бурам/метр, ҳамда замин танда учун $T_{ип}=29,4 \times 2$ текс чизикли

зичликдаги ипларнинг бурамлар сонини 496 бурам/метр олиш мақсадга мувофиқ деб аниқланди.

Тадқиқот ишлари натижалари ва ишлаб чиқилган тавсияларни корхоналарда жорий қилиш давомида, тажриба вариантида корхона вариантидагига нисбатан маҳсулот рентабеллиги юқори бўлиб, ипни кўшиб ўраш ҳажми ошганлиги натижасида корхонанинг йиллик умумий иқтисодий самарадорлиги 155,70 млн.сўм ни, бир тонна кўшиб ўралган ип учун эса 138475 сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО - ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ПАРПИЕВ ДОНИЕР ХАБИБУЛЛАЕВИЧ

**ВЛИЯНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПОДГОТОВКИ ПРЯЖИ К КРУЧЕНИЮ НА
КАЧЕСТВЕННЫЕ СВОЙСТВА КРУЧЕНОЙ ПРЯЖИ**

**05.06.02- Технология текстильных материалов и первичная обработка
сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрировано в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.3.PhD / T1345.

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-страница по адресу: www.nammti.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Мелибоев Умаржон Хайдарович кандидат технических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Халиков Курбанали Мадаминович доктор технических наук, профессор Матисмаилов Сайпила Лолашбаевич кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Андижанский машиностроительный институт

Защита диссертации состоится «19» июня 2021г. в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-й этаж, малый зал совещаний, тел: (+ 99869) 228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: niei_nfo@edi.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под № 394). Адрес: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7. Тел.: (+99869) 228-76-68, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: niei_nfo@edi.uz.

Автореферат диссертации разослан «04» июня 2021 года
(Протокол рассылки № 32 от «04» июня 2021 года)



Р.М.Муродов

Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

Х.Т.Бобожанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., доцент

К.М.Холиков

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы исследования. Повышение конкурентоспособности текстильных изделий за счет производства качественной крученной пряжи, дальнейшее улучшения потребительских свойств изделий за счет развития технологий производства текстильного сырья, а также использования энергосберегающих технологий и оборудования для получения качественных текстильных изделий занимает одно из ведущих мест. В целях улучшения качества и снижения себестоимости продукции, производимой в текстильной и легкой промышленности во всем мире, необходимо внедрение новых методов и оборудования для устранения факторов, негативно влияющих на качество продукции в процессе прядения. В связи с этим важное значение имеет подготовка пряжи к кручению и использование ресурсосберегающей автоматизированной технологии, снижающей затраты на получение качественной крученной пряжи

Во всем мире проводятся научные исследования по разработке передовых технологий выработки крученной пряжи и устройств для их реализации, разработка научных основ существующих технологий, выявления факторов, положительно влияющих на производственный процесс, обоснование технологических параметров с углубленным изучением технологических возможностей машин и оборудования. В связи с этим особое внимание уделяется проведению целевых научных исследований, направленных на радикальное изменение качества пряжи, производство пряжи с конкурентоспособными характеристиками, улучшение крученых характеристик пряжи, а также улучшение качества тканей и трикотажа.

В Республике при производстве текстильных материалов принимаются комплексные меры и достигнуты определенные результаты по совершенствованию процессов кручения пряжи и получения тканей, увеличению ассортимента выпускаемой продукции, разработке передовой техники и технологии позволяющей повысить качество выпускаемой продукции.

В «Стратегия действий по пяти приоритетам развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы»¹... были определены приоритетные задачи «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, снижение энерго- и ресурсоемкости экономики, повсеместное внедрение энергосберегающих технологий в производство». При выполнении этих задач важное значение имеет расширение производство конкурентоспособной и качественной готовой продукции с использованием местного сырья, развитие современной техника и технологии производства крученной пряжи, совершенствование методов получения тканых полотен из них, а также важное значение имеет развитие выпуска продуктов текстильной промышленности на основе кластерной модели.

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года за номером УК-4947 «Стратегия действий по пяти приоритетам развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» <https://lex.uz/docs/3107036>

